ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРА-ЁТГАН ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг 1-бригадасида пахта йиғим-терими суръати кун сайин жадаллашмоқда. Чевар теримчи ўртоқ Раҳима Бўриева ҳар кунн 300 килограммга етказиб «оқ олтин» термоқда. Унинг бирдан-бир аҳди — мавсум охирига қадар хирмонга 20 тонна пахта тўкишдан иборат. Ҳозирга қадар у терган пахта 5 тоннадан ошиб кетди. Суратда: ўртоқ Р. Бўриева.

Утган йили ҳам пойгада маррага биринчи бўлиб етиб келган ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ ШУ КЕЧА-КУНДУЗДА КУНИГА БИР ЯРИМ ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР. УЛАР ШУ КУНГАЧА тинчлик хирмонига қарийб 13 ПРОЦЕНТ «ОҚ ОЛТИН» ТЎКДИЛАР. Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ райони пахтакорлари ҳам отни қамчилаяптилар. Улар областимиз бўйича 503 минг тонналик улкан хирмоннинг эртароқ қад кўтаришига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ЯНГИЕР, СИРДАРЁ, ГУЛИСТОН РАЙОНИ ДЕҲҚОНЛАРИ, СИЗЛАРГА НИМА БЎЛДИ? Шу долзарб кезларда кунига пахта топширишни лоақал ярим процентга ҳам етказа олмаяпсизлар! ЙИЛЛИҚ ПЛАНЛАРИНГИЗ ЭНДИГИНА 1,10—1,70 ПРОЦЕНТ АТРОФИДА БЎЛИБДИ. ЭНДИЛИКДА БУНДАЙ ТАШБАҚА СУРЪАТГА ЧЕК ҚЎЙИШ КЕРАК.

АХИР ОБЛАСТИМИЗ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ КУНИГАЧА ЙИЛЛИК ПЛАННИ ҚАРИЙБ 10 ПРОЦЕНТ БАЖАРГАН ЭДИ. БУ ЙИЛ ҲАЛИ 4,5 ПРОЦЕНТГА ҲАМ ЕТГАНИ ЙЎҚ. СУРЪАТНИ ТЕЗЛАШТИРИШ УЧУН БИР ЖОН, БИР ТАН БЎЛИБ ИШЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 184 (2217). | 15 сентябрь, шанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ИШЧИ БИЛАН КОЛХОЗЧИ— КОММУНИСТИК МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Звено бошлиғи Н. Г. Загладанинг фрезерчи И. Д. Леоновга хати

ЛЕНИНГРАД, 12 сентябрь. (ТАСС). Бугун «Вечерний Ленинград» газетаси «Биринчи Май» колхозининг звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Г. Загладанинг Киров заводининг фрезерчиси коммунистик меҳнат зарбдори И. Д. Леоновга хатини босиб чиқарди.

Украина колхозчиси ленинградлик ишчига қуйидагиларни ёзади:

Қадрдон Иван!

Сени шундай деб атаётганим кўнглингга келмасин. Чунки менинг ёшим сенинг ёшингга қараганда икки баравар катта. Сенинг «Вечерний Ленинград» газетасида босилган хатингни, ўғлим, «Правда» газетасида ўқиб, хурсанд бўлдим ва хаёлга чўмдим. Ўзинг қандай одамсан, Иван? Ҳойнаҳой, хушкомат, забардаст, хуштабиат одам бўлсанг керак. Ҳойнаҳой, одамларга очиқ кўнгиллилик билан тез-тез кулиб боқсанг керак. Қўлларинг эса, катта ва бақувват, меникига ўхшаш қадоқ босган қўллардир. Шуни биламанки, сенинг тонфангдаги кишилар ана шу қадоқлардан ор қилмайдилар, чунки бу қадоқлар қизғин ишнинг изларидир.

Сен айтибсанки, Иван менинг «Ғаллакорлик шарафини қадрланг!» деган мақолам сени ҳаяжонга солибди ва атрофингга янгича кўз билан қарашга мажбур қилибди, ишчининг шаън-шавкати ҳақида ўйлашга мажбур қилибди. Бунинг учун сенга раҳмат. Шу ташвиш биргина менда эмаслигини мен билар эдим, албатта. Бизнинг совет оиламизда бундай кишилар минглаб, миллионлаб бор. Лекин шуниси алам қиладики, орамизда ишёқмас, бегам кишилар ҳали ҳам бор, ўз уйи, ўз мол-мулки бутун оламни шундай одамларнинг назаридан тўсиб қўйган. Бундай одамларга иш камроқ бўлиб, ош, тўйтамоша кўпроқ бўлаберса, бас...

Мана шундай кишиларни турткилаб қўйиш, уларга шундай дейиш керакки (ахир, улар бизга душман эмас-да), ҳой, яхшилар, нега юрагида ўти йўқ одамлардек яшайсиз, кимга орқа қилаяпсиз? Бировнинг савоби билан жаннатга кириб олмоқчимисиз?

Сен, Иван, ўз мақолангда «коммунистик меҳнат кишиларига хос равишда ғайрат билан, фикр-андиша билан ишлаш керак», деб ёзибсан. Тўғри, соз гапни айтибсан! Виждонинг билан бамаслаҳат ишлаш керак.

Сен билан биз, Иван, меҳнатдош ўртоқларимиз. Менинг илмим зўр эмас экан, бунинг айби йўқ. Болалик чоғимда ўқий олмаганман. Саккиз яшарлигимдан батраклик қилганман. Онам бева эди, биз эса бешта жўжа бирдек жон эдик. Лекин сен бамаъни, билимли йигит кўринасан. Чертёжларни ўқиб тушунар, конструкторларга ёрдам берар, санъатнинг маъносига етар экансан. Бизда ишчилар синфи — энг асосий, етакчи кучдир. Биз, ғаллакорлар эса, сизлардан кўп нарса ўргандик, лекин бундан буёғига сен билан биз аъзо бўлган жонажон партиямизни тўлқинлантирувчи ҳамма нарсаларга аҳиллик билан жавоб бериб, биргаликда ҳали кўп ишларни қиламиз.

Мана сен, Иван, бутун мамлакатга ажойиб шуҳрат ёйган заводда ишлаяпсан. — деб ёзади Надежда Григорьевна. — Сизнинг Киров заводингиз — тракторсозлик ўчоғи. Мен бу завод тўғрисида бир талай яхши гапларни эшитганман. Ҳатто, баъзи бир қамқишлоқларимнинг қариндош-уруғлари ана шу заводда ишлашади ва ҳаммамиз улардан келаётган хат-хабарларга биргаликда хурсанд бўламиз. Биз янги «Кировец» деган қудратли трактор тўғрисида ҳам эшитдик. Сизларнинг ишингиз учун бутун мамлакат қатори қувондик. Ана шу ажойиб машинага эҳтимол, сен ҳам қўл ургандирсан.

Лекин сиз, ишчилар, ҳамма вақт ҳам ҳамма ишни шунақа яхши ва соз қилаяпсизлар, деб ўладими? Рўй-рост айтсам шундай деб бўлмайди, бундай деганимга хафа бўлиб юрмагин. Ана, қанча маркадаги тракторларни чиқариб қўйибсизлар, лекин ҳаммаси ҳам хўжалик манфаатини кўзлаб қилинмаган. Бир тракторнинг деталини камдан-кам қоллларда иккинчи бир тракторга олиб қўйиш мумкин. Натижада шундай бўладики, колхоз пул сарфлаб олган трактор синиб қолгудек бўлса, унга запас қисм топилмай, машина бекор тура беради, бир мулкнинг умри беҳуда ўта беради. Шу иш яхшими? Аслатта, менга бу ишчиларнинг иши эмас, конструкторларнинг иши, деб айтишлари мумкин. Ахир, сиз, ишчилар, улар билан ёнма-ён яшайсизлар-ку, биқинига туртиб қўйсанглар бўлмайдими. Ҳа, дарвоқе, ҳозирги ишчилар ҳам чакана одамлар эмас, ҳар бирининг билими бор.

Надежда Григорьевна Херсон заводи ишлаб чиқараётган маккажўхори комбайнлари, картошка йиғиштирадиган машинанинг нуқсонларини кўрсатиб ўтади. Бу машиналар фақат тоза, текис жойда яроқли бўлса ҳам. Полесье шароитларига мос келмайди.

Колхозимизнинг усталари анча овора бўлган бўлсалар ҳам, дейди ўртоқ Заглада, ҳар нечук машинани ўргатиб олишди. Унинг транспортёрини узайтиришган эди, иш жўнашиб кетди. Агар виждонан гапирадиган бўлсак, шуни заводда ўйлаб кўришса бўлмасмиди, ахир. Ўша ердан мутахассислар келиб ўзлари яратган машинанинг ишини энг қулай шароитда эмас, балки иш оғирроқ шароитда кўрсалар, нуқсонлар ҳам бўлмас эди. Тўғри айтяпманми?

Биз, ғаллакорлар, сиз, ишчилар билан, ягона бир кучмиз. Бир ёқдан бош чиқариб, ҳамма нарсани биргаликда ўйлаб кўрмоғимиз керак. Биз, ҳаммамиз, сон кетидангина қува бермасдан, сифат тўғрисида кўпроқ жон куйдиришимиз керак. Қўшнингнинг иши чатоқлигини кўрдингми, индамай ўтирмасдан, қандай қилиш кераклигини унга кўрсатиб бер. У билан ўртам бузилиб қолади, деб қўрқмасдан, унинг виждонига таъсир ўтказ.

Зиғир — шу чоққача ҳам менинг энг яхши кўрган эким, деб давом этади атоқли звено бошлиғи. Урушга қадар ҳам зиғир эккан эдим ва мақтаниб қўйяпти, зиғир етиштириш борасидаги жаҳон рекордини шу чоққача мендан ҳеч ким олиб қўйгани йўқ. Илгари айтган гапимни яна қайтараман. Биз ҳаммадан кўпроқ зиғирга қўл меҳнати сарфлаяпмиз. Ҳмель етиштирадиган машиналар борми? Йўқ бундай машиналар. Четэлда эса бор. Демак, бизда ҳам бўлиши керак. Сиз, новаторлар ҳам, буни ўйлаб кўришингиз лозим.

Никита Сергеевич билан учрашганимизда, унга: Сиз хотиржам бўлинг, биз ҳамма нарсани кўплаб етиштириб берамиз, лекин кўпроқ техника керак, деган эдим. Ахир, илгариги вақтда ўз маҳсулотимизни пудлаб ўлчасак, энди центнерлаб ва тонналаб ўлчамоқдамиз. Сиз, ишчилар ҳам, ғаллакорлар учун кўп меҳнат қилмогингиз керак.

Мен ҳозир ҳаммаёқдан кўплаб хат олаяпман. Бу хатларни колхозчилар, ишчилар, ҳарбий хизматчилар ва, ҳатто, мактаб ўқувчилари ёзишаяпти. Мактаб ўқувчилари ёш бўлса ҳам, турмушимиз янада яхшироқ бўлишини истаган киши қўл қовуштириб ўтириши яхши эмаслигини гўшунади. Ана шундай хатларни олиб хурсанд бўлаяпман. Гарчи бундай хатларда кўнгилсиз гаплар айтилган, одамлар ҳар хил текинхўрлар устидан шикоят қилаётган бўлса ҳам, хурсандман. Бизда бундай текинхўрларни «тамбаллар» деб аташади. Мен, ҳатто, ана шундай хатларга хурсанд бўлаяпман, эндиликда одамлар ана шу тамбалларга тинчлик бермаслигини, улар тўғрисидаги фикрини бетига шартта гапиришини сезиб турибман. Ҳақиқатни ёширмасанг, бундан яхшиси борми.

Бизнинг халқимиз кундан-кунга ва ойдан-ойга коммунизм сари тобора илгарилаб бораяпти. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, интеллигенция коммунизмнинг буюк қурилишида қўлни-қўлга бериб, елкадошлик билан аҳил меҳнат қилаяпти. Биз, қадрдон Иван, ўз бахтимизни ўзимиз яратяпмиз. Бас, шундай экан, ҳар бир меҳнаткаш жамиятга кўпроқ фойда етказишга интиладиган, ижтимоий ишлаб чиқариш муттасил ривожланиб бориши тўғрисида чинакам ғамхўрлик кўрсатадиган бўлиши учун ҳамма чораларни кўрмоқ керак.

Надежда Григорьевна ишчилар шаън-шавкатини шараф билан сақлаб келаётган кировчиларга саминий салом топширишни илтимос қилади.

Менинг звеномда ҳам ажойиб кишилар бор, лекин улар тўғрисида, ўз қишлоғимдаги ёру дўстларим ҳақида сен билан учрашган пайтимда айтиб бераман, дейди Надежда Григорьевна. Ленинградликлар билан дийдор кўришиб, кўнгил ёзиб гаплашишга аҳд қилиб қўйдим. Зиғирни, лавлагини йиғиштириб олганимдан кейин, маккажўхори пишиб етилгунча икки кунгина меҳмон бўлиб келаман. Тезроқ дийдор кўришгунча хайр!

Ҳозирча Ленинградга ва ундаги шонли ишчилар синфининг фарзанди бўлган сенга икки букилиб таъзим қиламан!

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XVII СЕССИЯСИГА СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 18 сентябрда Нью-Йоркда очиладиган XVII сессиясига юборилaдиган СССР делегациясини СССР Иттифоқи Министрлар Совети қуйидаги составда тасдиқлади: А. А. Громико (делегация бошлиғи), В. А. Зорин, В. С. Семенов, М. А. Меньшиков, Т. Н. Николаева (делегация аъзолари). Делегация аъзоларининг ўринбосарлари ҳам тасдиқланди. (ТАСС).

УРУШ ҚУЧЛАРИНИНГ ЙЎЛИГА РОВ СОЛИНСИН!

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг президиумида

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети президиумининг мажлиси бўлди.

АҚШ ҳукмрон доираларининг игвогарлик ҳаракатларидан совет жамоатчилиги ғоят ташвишланаётганлигини ифодалаб, тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг президиуми АҚШнинг Кубага нисбатан агрессив планларини ва ниятларини қатъий қоралади. Президиум АҚШнинг Куба республикасига қарши қилаётган ва инсониятни ялпи термоядро уруши ҳалокатига дучор қилиши мумкин бўлган хатарли игвогарликларига нисбатан Совет ҳукуматининг позициясини тўла равишда қувватлади.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг президиуми ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланиб Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгрессида қатнашган америкалик вакилларга, АҚШда тинчлик йўлида курашаётган жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотларига совет жамоатчилиги номидан мурожаат қилиб, уларни халқаро кескинликни юмшатиш, кучайиб бораётган уруш хавфини йўқотиш манфаатлари йўлида куч ва ғайрат сарфлашга чақиришга қарор қилди.

КУБАДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг телеграммаси

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети тинчлик ва халқ суверенитети учун ғураш қаракати Куба миллий кенгашига телеграмма юборди. Телеграммада бундай дейилади:

Озодлик ороли устида уруш хавфининг қора булутлари яна тўпланаётган соатда барча совет кишилари АҚШнинг ҳукмрон доиралари гомонидан игвогарликлар қилинаётган лайтда марҳ Куба халқига ўзларининг жуда қизғин қардошларча бирдамликларини изҳор қиладилар ва бутун чоралар билан Куба халқини қаттиқ қувватлаганликларини билдирадилар.

Жаҳондаги соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси — қаҳрамон Куба томонидадир. Кубанинг озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш — тинчликни сақлаш учун курашдир, ҳамма халқлар бу курашдан ниҳоят даражада манфаатдордирлар. Совет тинчлик тарафдорлари тинчликсевар кучларнинг бирлашган қатъий ҳаракатлари АҚШ нинг агрессив доираларини игвогарликлар ва ҳарбий авантюраларнинг хатарли сиёсатидан воз кечишга мажбур қила олади, деб чуқур ишонадилар.

Биз, совет тинчлик тарафдорлари холис ниятли кишиларнинг ҳаммаси билан бирга талаб қилиб айтамизки: Кубадан қўлингни торт! Уруш кучларининг йўлига ғов солайлик!

Н. Г. ЗАГЛАДАДАН ЎРНАК ОЛАМИЗ!

ЖОН КУЙДИРИБ ИШЛАЙЛИК

Украиналик кекса колхозчи аёл, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Г. Загладанинг мақоласи ҳозир кенг жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Бу мақолада коммунизм қураётган айни давримизда одамларни шу даврга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш, Улуғ коммунистик партиянинг XXII съездида чизиб берилган коммунизм қуриш программасини амалга оширувчи янги авлодни тарбиялашдек муҳим масала ўртага ташланган. Партиямиз чизиб берган етти йиллик план топшириқларини амалга оширишда одамларнинг халол, виждон билан ташаббус кўрсатиб ишлашлари, меҳнатга социалистик муносабатда бўлишлари жуда катта аҳамиятга эга. Биз буни ўз колхозимиз мисолида ҳам яққол кўрмоқдамиз.

Бизнинг колхозда 25 та бригада бор. Лекин бу бригадаларда ҳосилдорлик бир-биридан фарқ қилмайди, бўйи бўйига тенг, десак бўлади. Масалан, колхоз правленеси ҳамма бригадаларга план бўйича гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олишни белгилаган. Мажбуриятимиз 33 центнер. Бундан ташқари колхозда «баҳори», «Ленинград» ва «марказий» участкалар бор. Буларда ҳам 28,5 центнердан ҳосил етиштириш белгиланган. Биз кўпчилик колхозлардаги сингари «ер шароитига қараб» бригадаларга планни ҳар ҳил белгиламаймиз.

Илгари хўжалигимизнинг «Ленинград» участкаси алоҳида колхоз эди. Бу колхоз бизга қўшилган вақтда ҳар гектар ердан 23 центнердан ҳосил кўтарган вақтда, бизда 29 центнердан ҳосил олинди.

Нега шундай аҳвол юз берди? Нима учун ҳосилдорлик 2 йилда 7,3 центнер кўтарилди? Эҳтимол баъзи ўртоқлар бу ерда энди бошқа раҳбар келиб ишлаётгандир, деб ўйлашлари мумкин. Асло ундай эмас. Илгари ишлаб келаётган бригада бошлиқларининг бирортаси ҳам бизга қўшилганлардан кейин ўзгартирилгани йўқ. Ким қай ерда ишлаган бўлса ўз жойларида турипти. Фақат ишга муносабат ўзгарди, меҳнатга ихлос кучайди.

Нима учун илгари «Ленинград» участкасида ҳосилдорлик паст эди-ю, энди юқори кўтарилди? Биз «Ленинград» участкасида ҳосилдорликни кўтариш учун қандай тадбирларни амалга оширдик?

Маълумки бу ердаги колхозчилар 7 та майда-майда қишлоқларда яшаган. Томоқдан ҳар ким истаганича фойдаланган, натижада меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Кўпгина кишилар ўзининг шахсий ишлари билан банд бўлганлар. Биз 7 та майда қишлоқдаги одамларни 2 қишлоққа кўчирдик, у қишлоқлар ўрнини, эртиқ ва томорқаларни пахта майдонига айлантирдик. Натижада ердан ортиқча фойдаланиш каби ўзбошимчаликларга тотма берилди. Колхозчилар томоқдан устав бўйича фойдаланадиган бўлдилар.

Бундан ташқари илгари бу ерда зовур тозалашга, ернинг шўрини ювишга, ерни чуқур ҳайдашга етарли эътибор берилмаган.

1960 йилда шу участкада 60 процент ва 1961 йилда 100 процент ернинг шўри пол олиб ювилди. Натижада бу ердаги одамлар, бригада бошлиқлари ишга янгича муносабатда бўла бошладилар. Кам ҳосил, деб келинган шу ерлардан ҳатто илгари 12-14 центнердан ҳосил олган Ҳайдар Ҳазратқулов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили 36 центнердан пахта олишга муваффақ бўлдилар.

Бизнинг колхозда бригада бошлиқлари бўлар-бўлмасга алмаштирилабермайди. Кўпчилик бригада бошлиқлари 15-10 йилдан бери ишлаб келмоқда. Колхозда бригада бошлиқлари ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Уларни алмаштириш бизни назаримизда жуда хатарлидир. Чунки, кўп йилдан бери ер шароитини ўрганиб олган киши ўрнига тайинланган одам ҳамма нарсани бирдан била олмайди. Ўтган йили Усмон ака Мирзаев бошлиқ бригада колхозда энг паст — 24 центнердан ҳосил олди. Бунга бригадада шўр ювишга эътибор беримаганлиги сабаб бўлди. Шунинг учун биз бригада бошлиғини ишдан олмадик, балки йўл қўйган хатоларини тушунтирдик. Бу йил эса қишда ернинг шўрини 2 марта ювди, 200 тонна ўғит чиқарди, бу йил унинг даласидаги ҳосил гектаридан 32 центнердан кам бўлмайди.

Одамларнинг ўз хатоларини кўрсатиб, иш ўргатса яхши, ҳалол, виждон билан ишлайдиган бўлади. Инсоннинг қадрига етилса, улар жамиятимиз талаблари даражасида ишлай оладиган бўлиб бораверадилар. Шунинг учун инсонпарварлик катта куч!

Мен бир хил ишларга ҳайрон қоламан. Биз айрим машҳур кишиларнинг номларини газетада тез-тез ўқиб турамиз. Уларнинг муваффақиятларини эшитиб қувонамиз. Лекин шу машҳур кишилар ишлаб турган колхозларнинг йилдан-йилга планни бажармай келаётганлигига кишининг ақли етмайди. Бундай кишилар панохида юрган колхоз, совхоз раҳбарлари наҳотки шуни сезмасалар. Ахир халқимизда «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас» деган гап бор. Бир-икки бригада бошлиғи ҳар қанча донгдор бўлса ҳам колхознинг ҳамма юкини елкалаб кетолмайди-ку. Бизда ҳамма барабар ҳаракат қилиш керак-ку. Нега улар ўз хўжалигидаги донгдор кишиларнинг тажрибаларини бошқа бригадаларга ёймайдилар.

Йилдан-йилга еримиз кенгайиб ҳосилдорлик ошиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайиб бораяпти. Шу сабабли экиш, ғўзани парвариш қилишда техникадан фойдаланиш яхши. Аммо энг кўп куч, меҳнат талаб қиладиган пахта теримида техникадан афсўски ҳали камроқ фойдаланяпмиз. Четдан ишчи кучи талаб этишга мажбур бўлаяпмиз.

Ўтган йили биргина бизнинг колхозда четдан келиб ишлаганларга 140 минг сўм тўланди. Бундай қилмасак пахтамиз ерда қоларди. Шунча маблағ четга кетса юрак эчимайди дейсизми?

Бу йил бизда машина билан 80-85 процент ҳосилни териб олишга дадил қадам ташладик. Бунинг учун зарур тадбирларни ишлаб чиқдик. Ўтган йили бизда 17 та пахта териш машинаси бор эди. Бу йил биз ўтган йили четдан келиб ишлаган одамларга тўланган ҳақ миқдорида, яъни 140 минг сўмга янгидан 39 та «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси, 50 та прицеп сотиб олдик. Энди колхозда «ХВС-1,2» машинасининг сони 48 тага, жами пахта териш машинаси 56 тага етди. Прицеплар сони 96 та бўлди.

Ўтган йили колхозимизда 1300 тонна пахта машина билан терилган бўлса бу йил 4,5 минг тонна пахтани, умумий ҳосилнинг 80—85 процентини машина билан теришни мўлжалламоқдамиз. Машиналарнинг икки сменада ишлаши учун етарли механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрланди. Машина теримига ажратилган айрим карталарни танлаб дефолиация қилишга киришдик. Биз ўз аҳдларимизнинг устидан чиқиш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

Лекин бизни бошқа бир нарса ташвишга солаяпти. Маълумки ҳозир бизнинг олдимизда пахтани машина билан теришга терамиз-у, лекин бу пахтани қай ерга топширамиз, деган муаммо турибди. Чунки биз пахта топширадиган «Малик» пахта пункти машина билан териб олинган пахтани қабул қилиб олишга тайёр эмас.

Маълумки машина билан пахта терилган пайтда прицеплар узлуксиз бориб келиб туриши лозим. Агар пахтамизни бу пункт қабул қилмаса 40-50 километр наридаги Сирдарё пахта пунктига топшириш лозим бўлади. Бу эса бизнинг бутун режаларимизни бузади.

Машина билан пахта теришга ўтиш фақат колхоз, совхозларнинг иши эмас. Шу билан бирга пахтани қабул қилиб оладиган тайёрлаш ташкилотларининг ҳам жонажон иши. Аммо улар қарс икки қўлдан чиқишини ҳисобга олмаётирлар. Ахир ўртоқ Загладанинг мақоласида айтилган фикрлар фақат ғаллакор, пахтакорларгагина тааллуқли эмас-ку, у ҳамма ўз жойида жамият манфаатини кўзлаб иш тутсин, демоқда-ку!

Пахта пунктларидаги бу аҳвол билан сира келиша олмаймиз. Шунинг учун биз область пахтачилик трестидан (ўртоқ С. Нишонбоевдан) бизнинг машинада терган пахтамизни транзит қабул қилиб беришни талаб қиламиз:

Мен бу фактларни бекорга саналганим йўқ. Бировнинг ишига иккинчи алоқадор киши халақит бермасин, демоқчиман. Ҳар ким ўз ўрнида ўзига топширилган ишни ҳалоллик билан бажариб, бошқаларнинг ишига ҳам кўмаклашсин демоқчиман. Бизнинг ишимиз шахсий иш эмаслигини, худди соат механизми сингари бир-бирига боғлиқ эканини ҳар ким англаб олсин, демоқчиман.

Қўзибоқар СИНДОРОВ,
Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг ранси.

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Территориал ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Қон-қаноксиз ташиш
Чирчиқ	0,91	5,76	5,8
Тошкент	1,34	7,21	9,7
Янгийўл	1,05	6,64	6,2
Сирдарё	0,46	1 94	2,4
Янгиер	0,62	2,84	3,4

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Қон-қаноксиз ташиш
Юқори Чирчиқ	1,50	12,18	8,6
Пискент	0,90	7,34	6,6
Чиноз	1,07	7,30	9,3
Оржоникидзе	1,29	6,87	9,6
Ўрта Чирчиқ	1,11	6,72	6,5
Янгийўл	0,94	5,83	5,6
Бўка	0,88	5,69	7,1
Бекобод	0,79	4,21	4,8
Оққўрғон	0,73	3,75	3,5
Комсомол Қуйи Чирчиқ	0,57	2,95	3,8
Сирдарё	0,88	2,35	1,0
Янгиер	0,47	1,74	2,0
Гулистон	0,48	1,66	2,0
Оҳангарон	0,33	1,10	1,3
Бўстонлиқ	—	—	—
Калинин	—	—	—
Область бўйича	0,78	4,44	4,7

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КЕЛАЖАК РАЗВЕДКАЧИЛАРИ

Коммунистчасига яшаб, коммунистчасига меҳнат қилайлик. Партиямизнинг бу чақириғи ҳозирги кунларимизнинг жанговар шиори бўлиб қолди. Ватан, инсоният кўп асрлардан буён орзу қилиб келган коммунизм эндиликда яқин ҳақиқатга айланди. Совет кишилари халқ хўжалигини ҳар бир соҳасида ўзлари белгилаб қўйган янги-янги марраларни эгаллаб, кун сайин янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар, коммунизм қурмоқдалар. Ана шу олий мақсад йўлидаги умумхалқ қурашида келажакнинг разведкачилари — авангард кишилар алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларининг ватанпарварлик ҳаракати бошланганига уч йилдан ошди. Коммунистик жамият қуриш кенг авж олдириб юборилган даврда бундай ҳаракатларнинг келиб чиқиши табиийдир.



Етти йилликнинг зарбдор қурилишларидан бири —Тошкент ГРЭСини бунёд этувчилар шу кунларда баракали ишлашаяпти. Саккиз ойга мўлжалланган план муваффақиятли бажарилди. Ҳозир ГРЭСнинг бош корпусини монтаж қилиш ишлари тугалланиш арафасида. Суратда: бош корпуснинг умумий кўриниши.

М. Нуриддинов фотоси.

Бу ҳаракат қисқа вақт ичида оммавий тус олиб, ўз сафига 20 миллиондан ортиқ кишини, деярлик бир миллион бригада, 100 мингга яқин участка ва цехларни, 25 мингдан ортиқ саноат корхоналари ва совхозларнинг коллективларини қамраб олди.

Тошкент области меҳнаткашларининг ўртасида ҳам келажак разведкачиларининг ҳаракати, мусобақаси ҳар тарафлама қўлланиб-қувватланди. Ҳозир областда 9 мингга яқин бригада, участка, смена, цех ва корхоналар коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Шунингдек 29 минг ишчи коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли унвонга эга бўлиш учун мусобақада қатнашмоқда. Шу кунга қадар 30 мингдан ортиқ кишини ўзига жамлаштирган 2179 коллективга коммунистик меҳнат коллективи номи берилган, 6529 ишчи коммунистик меҳнат зарбдори ҳисобланади. Областимиз қишлоқ хўжалигида ҳам бу ҳаракатда кўплаб киши иштирок этмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, бу мусобақа фақат бир мақсадга, яъни партия XXII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети март Пленуми томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Корхона ва қурилишлар, саноатнинг ҳар хил тармоғида меҳнат қилаётган ишчилар, инженер-техник ходимлар партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларини амалга ошириб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Илғор колхоз ва совхозларнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида етти йиллик планни беш йилда бажаришга аҳд қилганларнинг мусобақаси кучайиб бораяпти.

«Ташсельмаш», «Ташкентканбель», «Ташавтомаш» заводлари, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, «Шарқ гули» фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг партия ва касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришда ҳали фойдаланилмаётган бир қатор резервларни қидириб топиш ва уларни ишга солиш соҳасида талай иш қилдилар.

«Ташсельмаш» заводида коммунистик меҳнат зарбдори ва коллективи номини олиш учун бошланган ҳаракатда 180 бригада, цех, участка иштирок этмоқда. Уларда 4 мингга яқин ишчи, хизматчи, инженер-техниклар меҳнат қилади. Заводда 24 коллективга коммунистик меҳнат бригадаси, 163 илғор ишчига коммунистик меҳнат зарбдори деган унвон берилган.

«Ташсельмаш»да коммунистик ҳаракат тобора ўсиб, улғайиб бормоқда. Заводда чиқадиган «Молния» ва «Жанговар варақа»лар орқали мусобақанинг бориши ва натижалари, илғорларнинг иш тажрибалари ёритиб борилади.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари мусобақада орқада қолаётганларга ҳар тарафлама ёрдам берадилар. Ҳар бир цех ўзининг яхши жиҳозланган қизил бурчагига эга бўлиб, бу ерда танаффус пайтлари илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинади, суҳбатлар ўтказилади. Завод қошида маданият, фан ва техника университетлари ишлаб турибди. Ҳаваскорлик тўгарагининг иши ҳам яхши ташкил этилган. Бу ерда 300 дан ортиқ кишини бирлаштирган 8 тўгарак бор. Маданият саройи бир ойда бир марта бирон цехнинг ихтиёрига бериб қўйилади. Цех коллективлари «Меҳнатга шон-шарафлар бўлсин», «Коммунистчасига яшаб, коммунистчасига меҳнат қилайлик» деган темаларда кечалар уюштирадилар.

Бекобод металлургларининг ҳам коммунистчасига яшаб, меҳнат қилишни ўзларига шиор қилиб олганлар. Заводнинг кўп кишилик коллективи коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун бошланган мусобақага қўшилган ҳолда меҳнат қилмоқда. Прокат цехининг коллективи биринчи бўлиб бу шарафли номни олишга муяссар бўлди. Мана бир йил бўлдики, бу цехда меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига йўл қўйилгани йўқ.

Заводда ҳар икки хизматчидан бири ўқийди. Темир йўл цехида меҳнат ҳақи кассирсиз берилади. Прокатчиларнинг эса табель ҳисоботи бекор қилинган. Жамоат конструкторлик бюроси, маҳсулот сифатини текширадиган жамоат контроллари, комсомол прожекторларининг ҳаракати тобора активлашмоқда.

Чирчиқ электр кимё комбинати меҳнаткашларининг юксак маданий ва коммунистик меҳнат корхоналари деган номни олиш учун мусобақалашиш ташаббусини бошлаб берганликларига бир йилдан ортди: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу починга катта аҳамият бериб, Чирчиқ меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Завод ва фабрикаларнинг меҳнаткашлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш ҳамда таннархини камайтириш учун курашмоқдалар. Мисол қилиб коммунистик меҳнат зарбдорлари М. Илёсов, А. Дедюрин, А. Я. Снигерёв, Б. Г. Горенберг ўртоқларни кўрсатиш мумкин. Улар ой сайин меҳнат унумдорлигини ошириб бажармоқдалар. Е. П. Сақур бригадаси мактаб партасида эндигина корхонага келган ёш ишчиларга ўз иш тажрибасини ўргатади. Бригада аъзолари ўқувчиларга янги касб ўргатишни ҳақ олмасдан бажарадилар.

Коммунистик ҳаракатнинг кенг кўламда авж олиши туфайли меҳнатга ишлаб чиқаришга бўлган муносабатнинг янги намуналари рўёбга чиқмоқда. Масалан ҳозирги вақтда фақат электрким ё комбинатининг ўзида кўпгина цех ва маиший хоналарни қулфлаб қўйишдан воз кечилди, маошлар кассирсиз берилади, барча цехларда табель доскалари тугатилган.

Комбинатда китоб, журнал, газета сотиладиган магазинлар, жамоатчилик асосида ишлайдиган «Химикдар» саройида болалар хонаси ташкил этилган. Коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари болалар уйини ўз оталигига олган, коммунистик меҳнат цехи эса 15-мактабга оталик ёрдами беради. Комбинатда 13 та жамоатчилик-конструкторлик бюролари ташкил этилган. Маданият университети ишлаб турибди.

Бир қатор корхоналар, колхоз ва совхозларда ўқитишнинг жамоатчилик формалари кенг ривож топди. Ҳозир маданият университетлари, ишлаб чиқариш-экономикасини ўрганиш, фан ва техника институтлари, илғор тажриба мактаблари, техника прогресси, халқ университетлари ташкил этилган ва ишлаб турибди.

Шуниси муҳимки, янги ҳаракатнинг қатнашчилари ишлаб чиқаришда, оилада, жамоат жойларида кишиларнинг бир-бирига коммунистик муносабатда бўлишида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, халқ хўжалигининг бир қатор тармоқлари, айниқса қурилиш, маҳаллий саноат, давлат савдоси, автотранспорт соҳаларида коммунистик ҳаракат кенг ёйилгани йўқ. Қишлоқ хўжалигида ҳам бу соҳада қилинаётган ишлар қаноатланарли эмас.

Коммунистик меҳнат учун бошланган ҳаракатни ривожлантириш соҳасидаги жиддий камчиликлардан бири шуки, областнинг баъзи ташкилотлари у ёки бу коллектив ва кишиларга ҳаддан ташқари шошмашошарлик билан коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдорлари номини бериб қўймоқдалар.

Мусобақани ташкил қилишда расмиятчиликка ҳалигача ҳам барҳам берилмаган. Коммунистик меҳнат қатнашчилари олган мажбурият баъзан ана шу ҳаракатда қатнашмаётган коллективларнинг мажбурияти билан баравар, ҳатто кам ҳам бўлади. Бундай камчиликларга барҳам бериш лозим.

Зиммага олинган мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажариб келаётган бригадалар, ишчиларга бу шарафли номни беришни чўзиб юбормаслик керак.

Ҳеч шубҳа йўқки, коммунизм қурилишида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ҳаракати тобора катта роль ўйнайди. Вазифа — бу ватанпарварлик ҳаракат қатнашчилари сафини тобора кенгайтиришдан иборатдир. Янгиликни актив қўллаб-қувватлайлик, олға қараб ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилувчи эскилик сарқитларига қарши курашайлик.

В. ФРОЛОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети инструктори.



Шавкат Толипов 1960 йилда Тошкент шарико-подшипник заводи пардозлаш цехига ишга кирган эди. У қисқа вақт ичида цехдаги барча операцияларни мустақил ўрганиб олди. Шавкат шу кунларда коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашиб ойлик планларини ортиғи билан адо этмоқда. Суратда: Ш. Толипов.

А. Палехов фотоси.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

Ўзбекистон трактор-йиғув заводи республика пойтахтидаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Завод коллективи ҳар йили мамлакатимиз пахтакорларига турли хил қишлоқ хўжалик машиналари — ўзиюрар шассилар, тракторлар, шунингдек ана шу машина ҳамда механизмларга запас қисмлар ишлаб чиқаради. Машинасозлар ўз зиммаларига юклатилган бундай катта ва масъулиятли вазифани қандай бажарйшаяпти?

Корхона бошланғич партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу масала кенг муҳокама қилинди, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга жуда катта камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди. Докладчи — партия бюросининг секретари ўртоқ Л. Арко ва музокарага чиққан нотиқлар шуни таъкидлашдики, завод партия бюроси барча ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчиларнинг куч-ғайратини корхона олдида турган улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этиш бўйича анча ишлар қилди. Партия ташкилоти ишлаб чиқариш масалалари билан чуқурроқ шуғулланди. Иш маданиятини яхшилаш, кўп меҳнат талаб қиладиган оғир операцияларни енгиллаштириш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилишга қаратилган бир қанча тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлади.

Лекин корхона коллективи ва партия бюроси фаолиятида катта камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Давлат планлари муттасил бажарилмаётир. Шу йилнинг ўтган саккиз ойида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи бор-йўғи 95,4 процент қилиб адо этилди. Шассилар, тракторлар ва запас қисмлар ишлаб чиқариш плани адо этилмади.

Маҳсулотнинг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Ишлаб чиқариш технологиясига қатъий амал қилмаслик натижасида брак кўпаяяпти. Ҳатто шассиларда йўл қўйилган деффектларни бартараф қилиш учун бутун бир бригада ишлаб турибди.

Заводнинг ритмик ишламаслиги шундай камчиликларнинг содир бўлишига олиб келаётган асосий сабабларнинг биридир. Шу йилнинг саккиз ойи анализ қилиб кўрилганда шу нарса аниқландики, бу давр ичида маҳсулотнинг 17,2 проценти ойларнинг биринчи декадасида, 24,9 проценти иккинчи ўн кунлигида, 57,9 проценти учинчи ўн кунлигида ишлаб чиқарилган. Маъмурият ва партия бюроси ана шу камчиликларни билатуриб, уларни бартараф қилиш учун изчиллик билан курашмади.

— Бир нарсага ҳайрон қолдим, — дейди сўзга чиққан 10-цех ходими ўртоқ Сапунов, — корхонамизда, барча цехларда шу вақтгача деталлар, турли хил металл буюмлари ва мойлаш материаллари ҳисобга олинмайди. Бу соҳада эгасизлик ҳукм сураётир. Ким қанча хоҳласа шунча ишлатаверади. Ахир бунинг ҳаммаси пулга келадику, шу туфайли ҳам жуда кўп зарар кўраяпмиз. Деталлар дуч келган жойда сочилиб ётади. Металл ва мойлаш материаллари ортиқча сарфлаб юборилади.

Йиғувчи-слесарь Фоменко, ишчи Подкаткин ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида кишилар билан ишлаш ҳозирги талаблар даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтдилар.

9-термик цехи бошлиғи Галимов, пайвандлаш участкасининг старший мастери Парвозов, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Дубинин ва бошқа ўртоқлар завод бўлимлари билан цехлар ўртасида узвий алоқа ўрнатилмаганлигини, икки ўртада кўпгина келишмовчиликлар содир бўлаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда бош технолог бўлими ва конструкторлик бюроси ходимларининг ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш билан етарли шуғулланмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бош технолог бўлимининг айби билан бир қанча деталлар, жумладан трактор мотори коробкасининг айрим шестерняларини тайёрлаш технологияси шу вақтгача ишлаб чиқилмаган. Бу деталларнинг кўр-кўрона тайёрланиши кўплаб бракка олиб келмоқда. Бундай мисоллар жуда кўп.

1-цех бошлиғи ўртоқ Бибик завод цехларида мастерларнинг мавқеини ошириш бўйича етарли иш олиб борилмаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Ҳисобот доклади юзасидан бўлган музокараларда бош энергетик бўлимининг старший мастери Прикупец, «Ташсельмаш» заводи 22-цехининг бошлиғи Тагиров, бош технолог Ўринбосари Лучанский, механизация бюросининг мастери Блинков, Октябрь район партия комитетининг секретари Дарвин ва бошқа ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев иштирок этди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида корхона партия бюросининг янги состави сайланди.

М. МИРҲАМИДОВ.



Тошкентдаги кабель заводи маҳсулоти чет эл мамлакатларида корхонада ишлаб чиқарилаётган турли хил кабель буюмлари жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатига юборилмоқда. Суратда: заводнинг пешқадам ишчиларидан прессловчи В. Нану полиэтилен изоляцияси ўровчи пресси бошқараяпти.

В. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

ОММА БИЛАН АЛОҚАДА

Суд мажлисларини маҳалла ва чойхоналарда, клуб ва корхоналар ҳузурида кенг жамоатчилик иштирокида ўтказишнинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Жазо чораларини тарбиявий чораларга айлантириш мумкин бўлган шарт-шароитларни аниқлашда жамоатчилик яқиндан ёрдам беради.

Октябрь район халқ судьялари ўз фаолиятларида ана шу масалага жиддий эътибор беряптирлар. Районнинг бош судьяси суд мажлисларини бевосита жойларга бориб жамоат қораловчилари иштирокида ўтказишдек яхши ташаббусни амалга оширмоқда.

Яқинда «Мудофаа» маҳалласида уй-жой масаласидаги жанжалли иш маҳалла аҳолиси иштирокида ҳал қилинди. З-нон заводининг ишчиси Муслимовнинг ножўя ҳаракатлари ўртоқлик судида 3 марта муҳокама қилинган эди. Лекин Муслимов коллектив фикри билан ҳисоблашмади, безориликдан тийилмади. Ана шундан сўнг халқ суди коллектив иштирокида бу ишни кўриб, уни 2 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Нажмиддин Зайнутдинов 1949 йилдан буён ҳеч ерда ишламай юргани учун Тошкентдан бадарга қилинган эди. Лекин у шундан кейин ҳам ҳалол меҳнат билан шуғулланмади. Текинхўрлик кўчасига кириб олган бу бетайиннинг қилмиши Чиғатой маҳалла аҳолисини каттиқ ғазаблантирди. Доим маст бўлиб ойласига, қўни-қўшниларга тинчлик бермай юрган бу безорининг иши ҳам Чиғатой чойхонасида кўпчилик иштирокида кўрилди.

Суд уни 5 йил қамоқ жазосига, муддатни ўтагач 3 йилга сургун қилишга ҳукм чиқарди. Маҳалла меҳнаткашлари суднинг бу адолатли ҳукмини қизғин маъқуллашди.

Бундан ташқари район судьялари барча маҳалла, турли корхона ва муассасаларда савол-жавоб кечалари ўтказмоқдалар. Меҳнаткашларга турли масалалар: меҳнат, иш ҳақи, уй-жойга эгалик ҳуқуқлари ва социалистик қонунчилик тўғрисида сермазмун консультациялар бераётирлар. Район халқ суди номига ёзма ва оғзаки аризалар ана шундай учрашувларда қабул қилинаётир. Бу эса суд қабулхонасида кутувчиларнинг камайишига имкон беради.

Шунингдек район халқ судларининг халқ маслаҳатчилари ўртоқлик судларининг раислари учун семинарлар уюштирмоқдалар. Ана шу семинарларда турли жиноятларнинг олдини олиш, асосий кучни тарбиявий ишларни яхшилашга сафарбар қилиш, давлат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўриладиган тадбирлар белгилаб олинаётир.

Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ,
халқ маслаҳатчиси, шаҳсий пенсионер.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЁҚИЛҒИ

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). «Ўзбекуголь» комбинатининг конларида йил бошидан буён пландан ташқари 75 эшелон кўмир чиқардилар. Ана шу миқдордаги кўмир билан ўрта Осиёда энг йирик Оҳангарон иссиқлик электростанцияси икки ҳафта ишлаши мумкин.

Очиқ усулда кўмир чиқариш комплекс механизациялаштириб бўлинганлиги ҳамда 9-шахтада конвейер линияларини бошқариш автоматлаштирилганлиги янги меҳнат зафарига эришиш йўлида асосий босқичлардан бўлди. КПСС XXII съезди нинг делегати Хўжа Алиқулов, Леонид Загорецкий, Гарий Низомиддинов ва Ли Дук-Сон бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари унумли ишлашмоқда. Бу бригадалар «Ҳар бир сменада мамлакатга пландан ташқари ёқилғи берамиз» деган шиор остида ишлаб, йил охиригача топшириққа қўшимча равишда яна мингдаб тонна кўмир бермоқчилар.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ МАКТАБИ

Сарлавҳани ўқишингиз билан бу қандай мактаб бўлди деб сўрарсиз. Аслида-ку, бу типдаги мактаб билим ўчоқларининг ўзгинаси. Уларда ҳам мактабдагилар каби ўқувчиларга таълим-тарбия берилади, фан асослари ўргатилади. Аммо, кескин фарқ қиладиган томонлари ҳам бор. Иккинчи босқич мактабларида қуйи синфлар мутлақо бўлмайди. Машғулотлар фақат 9—11 синфлардагина олиб борилади. Шу сабабдан саккиз йиллиқ мактабларни тамомлаган ўқувчилар қабул қилинади.

Ўтган ўқув йилида Тошкентда иккинчи босқич мактабидан фақат биттаси ишлаган эди. Тўғриси билим ўчоғи бу даврнинг ичида анчагина яхши тажрибалар орттирди.

Борди-ю, мактаб янгиликлари билан танишмоқчи бўлсангиз пойтахтнинг Афанасенко кўчасида жойлашган 110-мактабга марҳамат қилинг. Бу ерда кўпгина янгиликларнинг шоҳиди бўласиз.

Билим ўчоғида бўлган киши ўзини гўё ҳунар мактабларидан бирида юргандек ҳис қилади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Лаборатория, устахоналар ўқув қуролларига шунчалик бойки, уларни кўрганингиз сари кўргингиз келади.

— Оталиқ ёрдами шунчалик бўлади-да, — дейди мактаб директорининг политехника фанлари бўйича ўринбосари, ўртоқ Фалькович, — Политехника таълими учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини муҳайё қилиб беришди. Электролампа заводи станоклар билан таъминлаган бўлса, химия, механика илмий-текшириш институтлари лабораторияларимизни асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозлашди. Амалий машғулотлар ўтказишимиз учун бу корхона ва муассасаларда алоҳида хоналар ажратилган. Политехника фани машғулотларини оталиқ ташкилотларининг ходимлари олиб боришади. Айтгандай, корхоналар яна бир ҳиммат кўрсатишди. Мавжуд синф хоналарини лаборатория ва ўқув кабинетларига айлантиришда яқиндан бош қўшишди.

— Энди бизда синф хоналари йўқ ҳисоб, — дея изоҳ берди мактаб директори Е. Ермолаева. — Ҳаммаси лаборатория-ю, кабинетлар бўлди қўйди. Мана энди мактабимизни том маънода политехниканинг бошлангич ўчоғи десак бўлади. Иккинчи босқич мактабини ташкил этишдан мақсад ҳам шу эди-да!

Ҳар бир ишнинг бошланиши қийин бўлади. Дастлаб ўқувчиларнинг касбларига бўлган иштиёқига разм солдик. Рўқ, ҳаммасида қизиқиш, уқув бор эди. Ўзингиз бундай ўйлаб кўринг. Бизда бир эмас, икки эмас, бирйўла ўнга яқин мутахассислик бўйича касб-ҳунар ўргатилади. Мақсад шу экан деб программага ёпишиб олиш ярамайди. Ҳар бир касбнинг ўзига хос томонлари бор. Айтайлик, токарлик касби билан монтёрлик касбини ўрганиш учун бир хил талаб қўйиб бўлмайди. Ҳар бирининг ўзига қараб иш тутиш лозим.

Тўпланган тажрибаларга асосланиб ихтисослар бўйича қатъий дарс соатлари белгиланди. Слесарь, лаборант, пионер вожатий, алоқачи мутахассисларни тайёрлаш учун етарли соатлар берилди. Бу ерда яна бир нарсани айтиб қўяй. Ўқув-тарбияни тўғри изга тушириб олиш учун 9-синфга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу йил тўққизта тўққизинчи синф ишлаяпти. Уларда 250 дан ортиқ ўқувчи ўқимоқда. Биз шу синфлардан бошлабоқ техника билимларининг пухтароқ ўтилишига аҳамият берамиз.

Янгилик, қачон у истиқболга эга бўлса ҳамиша кенг қулоч ёзади, тез тарқалади. Иккинчи босқич мактаби ҳам шундай бўляпти. 110-мактаб тажрибасига асосланиб, бу йил пойтахтдаги бешта мактаб ҳам шу типдаги билим ўчоғига ўтди. Киров, Куйбишев, Октябрь ва Фрунзе районларида янгидан очилган бу типдаги мактабларда политехника таълимига катта ўрин берилади.

А. АЛИЕВ.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА СЕМИНАР

Шаҳар ва район партия комитетларининг идеология ишлари билан шуғулланувчи секретарлари, пропаганда бўлими мудирларининг область партия комитетида семинар-кенгаши бўлди.

Семинар қатнашчилари «Областда илмий-атеистик пропагандани нинг қўйилиши ва уни яхшилаш чоралари» ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар. Семинарда илмий-атеистик пропаганда масалаларига бағишланган иккита лекция тингланди. Лекциядан сўнг Оққўрғон район партия комитетининг секретари Ҳасанова, Янгиер шаҳар партия комитети пропаганда бўлимининг мудири Э. Файзи ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб партия ташкилотларида илмий-атеистик пропаганда ишларини қандай олиб борилаётгани ҳақида сўзладилар.

Область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова илмий-атеистик пропаганданинг қўйилишидаги камчиликлар ва уларни йўқотиш чоралари ҳақида гапирди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН“

Тошкент шаҳар газ хўжалигини эксплуатация қилиш трестининг хонадонларга хизмат кўрсатиш ишида тартибсизлик ва жиддий камчиликларга йўл қўяётгани тўғрисида газетамизнинг 8 июнь сонида босилган танқидий мақолага редакция қуйидаги жавобни олди:

«Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министрлиги ва «Ташгоргаз» трести коллективи томонидан кўрилган чоралар натижасида мақолада келтирилган камчиликлар бартараф қилинди. Хонадонларга газ установкалари ўрнатиш ва газ билан таъминлаб туриш плани ошириб бажарилабошлади. Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводи ҳам газ баллонлари етказиб бериш планини охирги вақтларда ошириб бажармоқда.

Ҳозирги вақтда газ етказиб бериш тўғрисида топширилган заявкалар куннинг эртасига мунтазам бажариб келинмоқда. Газ установкаларига профилактика хизмати кўрсатишдаги камчилик ва нуқсонларни ҳам бартараф қилиш юзасидан кураш олиб борилмоқда.

«Ташгоргаз» трестининг бошқарувчиси А. САЛОМОВ».

КАТТА КУЧ

Сахий ёзнинг сўнгги кунлари. Колхоз далалари қудратли инсон меҳнатининг самараларини якунлаб намойиш қилаётган дамлар. Саратон қуёшидан шарбат йиғиб ғарқ пишган ноз-неъматлар дала ҳуснига ҳусн қўшган, оромбахш манзара касб этган пайт.

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз сабзавот, картошка, полиз, боғдорчилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда областимиздаги йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Колхоз катта кучга — 145 коммунистга эга. Улар ўтган йиллари учта участка бошланғич партия ташкилотларига бирлашган эдилар. Бу йил колхоздаги 14 та далачилик бригадалари ҳузурида бошланғич партия ташкилоти тузилиб яхши иш қилинди. Эндиликда ҳамма далачилик бригадаларига ана шу партия ташкилотлари бевосита раҳбарлик қилмоқда. Бу партиявий-ташкилий тадбир коммунистларнинг ишлабчиқаришдаги масъулиятини янада оширди, пропаганда ва агитациянинг таъсир доирасини кенгайтирди. Камҳосил участкаларни кўтаришга имкон берди. Буни колхознинг 11-бригадаси мисолида кўриш мумкин. Бригада кейинги 4—5 йил мобайнида колхознинг энг камҳосил участкаси саналиб келди. Механизациядан қониқарсиз фойдаланиш орқасида етиштирилган маҳсулот таннархи кўзда тутилгандан анча кимматга тушди. Меҳнат интизоми бўшашиб кетди.

Бригада бошланғич партия ташкилоти тузилгандан кейин дала ишлари юришиб кетди. Коммунистлар ҳар бир колхозчининг турмуш шароитини синчиклаб ўргандилар, улар билан фикрлашдилар маслаҳатлашдилар, бригадани кўтаришдан келиб чиқадиган манфаатдорликни тушинтирдилар. Бригада партия ташкилоти ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун деган шиорга амал қилиб иш тутди. Коммунистлар оммага КПСС XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини тушинтириб меҳнатга илҳомлантирди, қолоқларни илғорлар намунасида тарбиялади. Энг муҳими коммунистларнинг ўзлари меҳнатда ўрнак бўлишди.

Бригада бошланғич партия ташкилотининг секретари Рашид Ҳасановни иш устида учратдик. У зўр ғайрат билан помидорларни терарди.

Коммунистлардан Қумри Ғуломова билан Роуф Раззоқов нариги пайкалда ишламоқда.

— Улар кунлик меҳнат нормаларини 1,5—2 марта ортдириб бажармагунча даладан чиқмайдилар, — деди колхоз партия комитетининг секретари Мукаррам Юнусова. — умуман олганда колхозимиздаги коммунистларнинг 95 проценти далада ишламоқда.

Бригада колхозда биринчилар қаторида гектаридан 27 тоннадан помидор, 14 тоннадан картошка, 15 тоннадан пиёз ва бошқа эртаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳосил кўтариб мажбуриятни ошириб бажарди. Гектаридан 700 центнердан маккажўхори кўк поясидан силос бостирди, бошқа емҳашак чорва озуқаларини тайёрлашда ҳам олдинда бормоқда. Механизациядан унумли фойдаланиш туфайли етиштирилган маҳсулот таннархи қариб 25 процент камайди.

Лекин партиявий-сиёсий иш ёмон ташкил этилган айрим участкаларда ҳамон ҳосил паст, маҳсулот етиштириш плани бажарилмай колхоз хўжалигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Масалан, 5-бригада бошланғич партия ташкилоти секретари Ҳаким Азимов партиявий ишларни қониқарсиз ташкил этди. Бригада аъзоларини юқори ҳосил учун курашга илҳомлантираолмади, мавжуд имкониятлардан ёмон фойдаланди.

Колхознинг азамат деҳқонлари бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлигида бу йил ҳарқачонгидан юқори ҳосил етиштиришга эришдилар. Колхоз далаларида мажбуриятдаги 1670 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган. Ҳозирги кунда бригада партия ташкилотлари асосий эътиборини даладаги мўл ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратган. Уларнинг ҳалол меҳнати бошланғич партия ташкилотлар — коммунистлар учун қимматли ва қадрлидир. Колхоз партия комитети худди ана шу кучга, — партиялилар билан партиясизларнинг ҳамжиҳатлик ва ягона иродасига таянади.

М. ИБРОҲИМОВ.

«Узсельхозтехника» Сирдарё район бирлашмасининг устахоналаридан сифатли ремонт қилинган «зангори кема»лар «оқ олтин» пайкалларига жўнатилмоқда. Шу кунларда колхоз-совхозларнинг машина теримига ажратилган карталарига олиб борладиган йўлларда бўлсангиз, турналардай тизилиб кетаётган «зангори кема»ларни кўрасиз. Фотомухбиримиз В. Саловнинг ушбу суратида худди ана шу манзара тасвирланган.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, МУҲАББАТ

Муҳаббат ҳали ёш, бирор машинанинг қулоғини бураб кўрмаган қиз, «Победа» колхозининг ўзидагилар ҳам уни яхши танимас эдилар. У механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсини тамомлаб келганда кўплар «ХВС—1,2» машинасини бошқариб пахта тераолишига ишонмадилар. «Наҳотки бу қиз шундай баҳайбат машинанинг қулоғини бурашга кучи етса, нима ҳам деймиз, орзуга айб йўқ» дейишди.

Муҳаббатнинг кўнглида катта орзу, зўр ихлос бўлса ҳам дастлаб иш бошлагунча у нимагадир ҳайиқиб саросимага туша бошлади. У кўпроқ одамларнинг таъна қилишидан, эрмак қилиб кулишларидан чўчиб, ишни эплай олмай, колхозчилар ўртасида масхара бўлмасам ғўрга эди деб ўйларди.

Кўз кўрқоқ, қўл ботир деганлари рост экан. Дастлаб қўрқиб-писиб иш бошлаган Муҳаббат бир неча бункер пахта териб хирмонга тўккач, ўз кучига ишонч, машинага муҳаббати орта бошлади. Колхоз правлениесининг қўллаб-қувватлаши унинг кучига-куч қўшди. У энди дадил ва астойдил ишга киришиб кетди. Унга шубҳа билан қараган баъзи кишилар ҳам энди «вой тирмизак-ей, бало-ку» деб тан бера бошладилар.

Муҳаббат ғалаба қозонди. 1961 йилги мавсумда у биринчи марта «ХВС-1,2» машинаси билан 80 тонна «оқ олтин» териб колхозгагина эмас, Сирдарё районига танилди. Ҳамма Муҳаббат бизнинг турсунойчи қизимиз дея бошлади.

Муҳаббат Иноғомова бу йил пахта териш мавсумини кутиб турмади. Колхоз правлениеси унга 75 гектар ер ажратиб бригада бошлиғи қилиб тайинлади. Бу йил бригада аъзолари ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб иш бошладилар. Улар мажбуриятга яраша ҳосил етиштирдилар. Бригаданинг ғўзаси машина билан пахта теришга мослаштириб парвариш қилинди.

Мана, машиналарнинг пайкалларда наъра тортиб ишлайдиган пайти яқинлашиб қолди. Муҳаббат буни сабрсизлик билан кутмоқда. У ўз дугонаси механик-ҳайдовчи, ўтган йили мавсумда 60 тонна пахта терган Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозда звено бошлиғи Шаҳрихон Абдуллаева билан мусобақадош. Уларнинг ҳар иккаласи бу йилги мавсумда машина билан 150 тоннадан пахта териш мажбуриятини олганлар.

— Ҳозир мамлакатимиз меҳнаткашлари, — дейди Муҳаббат Иноғомова, — Надежда Григорьевна Загладанинг «Ғаллакорлик шарафини қадрланг-из» деган хатини қизғин муҳокама қиляпти. Биз ҳам энди пахтакорлик касбини қадрламоғимиз лозим. Пахтачилик ишидаги энг қийин, энг мураккаб иш йиғим-теримдир. Чунки теримгача бўлган кўп ишлар асосан механизация ёрдами билан бажарилмоқда. Бироқ пахта теримида машиналар ҳали кам қатнашмоқда. Ҳосилнинг кўп қисми қўл билан терилмоқда. Пахта терими гўё ҳали тўла очилмаган қўриққа ўхшайди. Бу қўриқни фақат машиналар ёрдами билан очиш мумкин. Пахта теримида машиналарни кенг қўллаш жуда катта резервдир. Чунки бу пахта теримини тезлаштиришгина қолмай, пахтанинг таннархини арзонлаштиради, қўл меҳнатини тежайди, четдан ишчи кучларини жалб қилишга хотима беради. Кимда-ким пахтакорларнинг шон-шуҳратини, шарафини ошираман деса машина билан пахта теришга кенг йўл очиб бермоғи керак. Мен ўртоқ Загладанинг мақоласидан чиқарган биринчи хулосам шу. Шунинг учун биз ўз бригадамизда етиштириладиган 185 тонна пахта ҳосилининг 150 тоннасини машина билан теришга қарор қилдик.

Муҳаббатнинг биринчи ва жуда тўғри хулосаси шундан иборат. Оқ йўл сизга, Муҳаббат. Яшил елканларингиз гуриллаб парвоз қилаверсин.

Б. ХАЛИЛОВ.

ҲАММА ТЕРИМГА

Ҳосил. «Оқ олтин»нинг баракали хирмони!

Ёзи билан пахта далаларида ҳалол тер тўкиб, ҳормай-толмай меҳнат қилган колхозчиларнинг орзуси бу. Мана кечагина миришкорлар меҳр қўйиб парвариш қилаётган ғўзаларда бугун чаноқлар чамандек очилиб, кумуш пахталарини кўз-кўз қилиб ётибди. Бу Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг пахта пайкаллари. Колхознинг азамат пахтакорлари бу йил ҳам барча агротехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳалол меҳнат қилиб, мажбуриятга яраша мўл, ҳосил етиштирдилар. Уларнинг аҳди катта: 807 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» йиғиб олишга аҳд қилишган.

Колхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, уста пахтакор Муборак опа Йўлдошева бригадасини ҳамма фахр билан тилга олади. Хўжаликда энг юқори ҳосилли ҳисобланган бу бригаданинг аъзолари 81 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга бел боғлаганлар. Далада шунга яраша баракали «оқ олтин» бор. Қаюм Абдужалилов, Қора Сиддиқов, Исмат Пўлатов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг далаларидаги ҳосил чўғи ҳам чакки эмас.

Қаюм Абдужалилов бошлиқ 5-бригада аъзолари шу кунларда колхозда йиғим-терим ишларида биринчи ўринда бормоқдалар. Улар 138 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиб, йиллик планни колхозда биринчи бўлиб бажаришмоқчи. Бригаданинг Назирахон Қодирова, Сандахон Абдуллаева каби чевар теримчилари терининг биринчи кунларидаёқ хирмонга 150—180 килограммдан пахта тўкмоқдалар. Бу чевар қизлар мавсумда 15—20 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олганлар. Колхозда 15 минг килограммчилар ҳаракати борган сари кенг тус олмоқда. Ҳозир ана шундай ҳимматли теримчиларнинг сони 70 га етиб қолди. Пайкал оралаб этак-этак пахта тераётган Мастурахон Ортиқова, Пўлатой Сандқосимова, Хурсандой Афзалова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Колхозда маълум қисм пахта машинада териб олинади. Бунинг учун иккита «зангори кема» сифатли ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйилган.

Йиғим-терим даврида колхозчиларга яхши маданий-маиший хизмат кўрсатилиши меҳнатнинг унумли бўлишини таъминлайди. Ана шуни ҳисобга олиб колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Ҳамма бригадалардаги далашийпонлари унумли меҳнатдан сўнг мириқиб дам олиш жойига айланган. Болалар боғчаси ёш болали оналар хизматида. Радиоузел орқали берилаётган ёқимли куйлар ва жозибали қўшиқлар колхозчилар руҳини кўтаради, меҳнатга илҳомлантиради. Иккита кўчма киноустановка хизматидан ҳам колхозчилар миннатдор.

Олинган юксак мажбуриятни бажаришга астойдил бел боғлаган колхоз аъзоларининг шиори битта — ҳамма далага!

Н. ҚАЮМОВ,
Ҳ. НАЖМИДДИНОВ.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

КОММУНИЗМ ВА МЕҲНАТ

Шонли Октябрь инсоният баҳоридан дарак берган қудратли момақалдироқдай ҳаммаёқни мусаффо қилди: зулмат, жаҳолат ва ваҳшийликдан иборат бўлган эски дунёни чилпарчин қилиб ташлади. Янги, нуроний, инсоний ва маданий дунё вужудга келди.

Социализмнинг жаҳоншумул тарихий ғалабаси ва эксплуататор синфларнинг тугатилиши натижасида миллион-миллион кишиларнинг дунёқараши, маънавий қиёфаси, ахлоқи ҳам мутлақо ўзгариб кетди. Уларнинг социалистик жамият ва мулкка, меҳнатга, бир-бирларига бўлган ўзаро муносабатларида чуқур ўзгаришлар рўй берди.

Бироқ, янги жамиятнинг қуйи босқичи — социализм кўп жиҳатлардан ўзини етиштирган эски жамиятнинг, хусусий мулкчиликка асосланган тузумнинг «туғма» доғларидан бутунлай ҳоли бўлмади. Фақат янги жамиятнинг юқори босқичи — коммунизмгина эскилик қолдиқларига ва ҳаётга эскича қарашларга бутунлай барҳам беради.

Инсониятнинг эзгу орзуси бўлган коммунистик жамият қуриш бизнинг мамлакатимизда кенг авж олдирилган ҳозирги вақтда олға томон қилаётган ҳаракатимизга маълум даражада ғов бўлиб турган, ҳалақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасини аёвсиз фош қилиш қатъий талаб қилинмоқда. Шу жумладан, ишламасдан текинхўрларча кун кечираётган, жамият ҳисобига яшаётган кишиларни, дангаса ва ялқовларни, фақат ўз манфаатинигина ўйловчиларни ва умуман соғлом жамиятимиз танасига ёпишиб олган айрим зараркунанда ва маразларни улоқтириб ташлаш, улардан ҳалос бўлиш — коммунистик жамият қуриш процессидаги муҳим вазифалардан биридир.

Биз коммунистик меҳнатга бўйинтовламайдиган, меҳнат интизомини бузадиган кишиларга нисбатан ҳеч қачон муроса қилмаслигимиз лозим ва муроса қилмаймиз.

Модомики, биз мамлакатда янги, коммунистик жамиятни яратаётган эканмиз, тинимсиз меҳнат қилишимиз, яратувчилик ишларини янада авж олдиришимиз, эл-юрт бойлигини муттасил кўпайтириш учун бутун куч-ғайратни ишга солишимиз керак бўлади. Коммунизм миллион-миллион кишиларнинг меҳнати билан ва фақат катта ижодий меҳнати билан барпо қилинади. Совет кишилари буни яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар Ватан бахт-саодати, халқ фаровонлиги йўлида тинмай фидокорона меҳнат қилмоқдалар, меҳнатда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Партиямизнинг янги Программасида алоҳида уқтириб ўтилганидек, **«коммунизм — эркин ва онгли меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган жамиятидир, бу жамиятда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёж, англанган зарурият бўлиб қолади, ҳар бир кишининг қобилияти унинг халққа энг кўп фойда келтиришини кўзлаб ишга солинади».**

Баъзи бировлар коммунистик жамиятни ҳали ҳам нотўғри талқин қиладилар. Бу жамиятда меҳнатга эҳтиёж қолмайди, бинобарин, меҳнат бўлмайди, ҳамма нарса мўл-кўл ва тўкин-сочин бўлади, ёқни узатиб еб ётишдан бошқа иш қолмайди, деб тасаввур қиладилар.

Бундай деб ўйлаш хомҳаёлликдир, совет жамиятига мутлақо ёт бир нарсадир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бу тоифадаги одамлар устидан кулиб: «Баъзи бировлар, инсон коммунизмда экмайди ҳам, ўрмайди ҳам, лекин нонни ёғ билан еб ётаверади, деб ўйлайдилар. Коммунизм тўғрисидаги бундай тасаввур руҳан қашшоқ кишиларга, обиватель ва текинхўрларга хос тасаввурдир» деб жуда тўғри гапни айтган эди.

Коммунизмни меҳнатсиз тасаввур қилиш сира мумкин эмас. Коммунизм фан ва техниканинг тез тараққий қилиши асосида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиб боришини, шу билан бирга меҳнат унумдорлигининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Бу даврда инсон энг мукаммал ва қудратли техника билан қуролланган бўлади. **«Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша»** деган буюк принцип амалга ошади.

Коммунистик жамиятни қуриш ҳозирги вақтда совет халқининг муқаддас орзусигина бўлмай, балки бевосита амалий вазифаси ҳам бўлиб қолди.

Жонажон ленинчи Коммунистик партиямизнинг янги Программаси билан қуролланган совет кишилари тинч ижодий меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Янги, коммунистик жамият қуриш йўлида фидокорлик билан ишлаётган кишилар бизнинг мамлакатимизда катта обрў-эътиборга, иззат-ҳурматга сазовордирлар. Валентина Гаганова, Турсуной Охунова, Жўра Султонов, Шарофат Баракаева, Любовь Ли каби ўз ишининг моҳир устаси бўлган илғорларнинг номи бутун мамлакатга ёйилди. Улар ишлаб чиқаришда ёрқин нур сочиб турган машъал бўлиб қолдилар. Эндиликда шу меҳнат қаҳрамонларидан илҳомланаётган, уларга эргашаётганларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Уларни шу қадар улуғлаган, қадр-қиммати ва обрў-эътиборини ошириб нарса — коммунистик меҳнатдир.

Коммунистик жамиятда ишламасдан ёки номигагина ишлаб, турли йўллар билан кун кечирадиган текинхўрлар, юлғичлар, порахўрлар, чайқовчилар, ялқовлар ва бошқа шу хилдаги ярамас ҳамда зарарли кишиларга ўрин йўқ ва бўлмаслиги керак!

Лекин афсусланиб шуни қайд қилиш керакки, бу тоифадаги одамлар ҳали орамизда учраб турадилар. Жамият бойлигига бойлик қўшишни ўйламайдиган, ҳалқ ҳисобига яшаётган бундай кишилар мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига маълум даражада зиён етказаяптилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бели оғримай нон еяётган текинхўрлар ҳақида ғапириб, диққатга сазовор бир мисол келтиради. «Сизлар асаларининг жуда ҳам меҳнатсевар эканлигини биласиз, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — ҳар бир асалари қўпчилик бўлиб яшайдиган инига ўз оғзида томчилаб шира ташийди. Агар образли қилиб айтадиган бўлсак, совет жамияти катта бир коммунистик асалари уясига ўхшайди. Бизнинг жамиятимизда ҳар бир кишиўз меҳнати билан умумхалқ бойлигига бойлик ўшиши керак. Ана ўшандагина вақти келиб биз кишиларимизнинг барча эҳтиёжларини қондира оладиган бўламиз. Лекин асаларилар оиласида ишёқмас эркак асаларилар ҳам бўлиб, уларни асаларилар ва асаларичи қувиб юборишга уринади, шунинг сингари бизнинг совет коллективимизда ҳам жамиятга ҳеч нарса бермай, лекин унинг ҳисобидан яшашга ҳаракат қилувчи кишилар ҳали бор. Бизда ҳали ҳам коммунизмни бекорчилар, ишёқмаслар жамияти деб қарашга мойил кишилар бор».

Тошкент шаҳар, Октябрь районида истиқомат қилувчи А. Насибуллин, Т. Табишев, К. Мусаева, Н. Турков, Е. Хамдеев, З. Муҳамедов, Е. Белогрудова ва бошқа бир қатор шахслар борки, улар ана шу тоифадаги кишилар жумласидандир. Уларнинг ҳеч бири ҳеч қаерда ишламайди, жамият ҳисобига яшаб, текинхўрларча ҳаёт кечиради. Айримлари эса ҳатто савдогарчилик билан ҳам шуғулланади.

Арипулла Насибуллин буғга ёрқин мисолдир. У совет мактабида ўқиб, олий маълумот олди. Совет ҳукумати ҳамма қатори унинг ҳам онгли, маданиятли, чинакам инсон бўлиши, ҳалол меҳнат қилиши учун барча шароитларни яратиб берганлигига қарамай, Насибуллин нотўғри йўлдан юра бошлади. У ўз иззат-ҳурматини билмади. Ватанга, халққа кучи етганича хизмат қилиш ўрнига олибсотарлик билан машғул бўлди. Текин пуллар уни ўзи яшаган маҳалла аҳолисини ва ҳатто қўни-қўшниларини ҳам назар-писанд қилмаслик даражасига олиб келди. У ўз шахсий турмуши ва жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилишдан бўйинтовлади. Софдил кишиларнинг фойдали маслаҳатларига қулоқ солмади. Натижада маҳалла аҳолиси уни яқинда беш йил муддатга сургун қилиб, жуда тўғри иш қилди.

Еки Тошқин Табишевни олиб кўрайлик. Равшан кўчасидаги 113 уйда яшовчи бу йигит ёшлигида ота-онасидан етим қолган. Шунда 3-болалар уйи уни ўз паноҳига олди. Унга катта ғамхўрлик кўрсатилди. Яхши ниятли кишилар кейинчалик Тошқинга оила қуришда ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Лекин у ана шу яхшиликларни билмади, ўзбошимчалик йўлига ўтиб олди. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига текинхўрликни афзал кўрди. Маҳалла активлари Тошқинни бир неча марта ишга ҳам жойлаштириб қўйдилар. Аммо у ишончни оқламади. Ўзига кўрсатилган иззат-ҳурматни оёқости қилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, шуни айтиш керакки, бу хилдаги шахслар ўзларининг меҳнатга бўлган муносабатлари ҳамда келажаклари тўғрисида жиддий ўйлаб кўришлари керак. Меҳнатсиз ҳаёт ўғриликдан, кимнингдир ҳисобига яшашдан иборат эканлигини унутмаслик зарур.

Совет халқи ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан текинхўрларча кун кўрувчи, меҳнаткашлар ҳақига хиёнат қилувчи ва улар ҳисобига бойлик ортирувчилар билан асло муроса қила олмайди ва бундайларни ҳамиша аёвсиз равишда қоралаб, фош қилиб келмоқда.

Биз ижтимоий ҳаётнинг, барча моддий ва маънавий бойликларнинг асосини ташкил этган меҳнатни юксак даражада қадрлаймиз ҳамда улуғлаймиз. Меҳнат туфайли инсоният олами вужудга келган-ку, ахир. Чинакам инсон меҳнатсиз яшай олмайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиздаги барча кишиларни меҳнатсеварлик ва онгли интизом руҳида, жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, жамият манфаатларини ҳар қандай бузишларга нисбатан шафқатсиз бўлиш руҳида тарбиялашга доимо алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Бизда юксак коммунистик онглилик, меҳнатсеварлик ҳамда интизом, жамият манфаатларига садоқат — коммунистик жамият кишисига хос фазилатлар бўлиб қолмоқда. Қаҳрамонимиз Н. Г. Загладанинг «Ғаллакорлик шарафини қадрланг» мақоласи бутун мамлакатда кенг муҳокама қилинди. Н. Г. Загладанинг ватанпарварлиги меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ажойиб намунасидир.

КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, бундан буён ҳам «қобилиятига яраша меҳнат қилиш жамиятнинг барча аъзоларининг одати, биринчи ҳаётий эҳтиёжи бўлиб қолади».

У. БОЗОРОВ,
философия фанлари кандидати.

Т. РАСУЛЕВ.

Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхознинг ўртоқ Қўчқор Элибеков бошлиқ 1-бригадаси боғбонлари узумдан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар 40 гектар майдондаги токзорнинг ҳар гектаридан камида 14 тоннадан узум узиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: бригадир ўртоқ Қ. Элибеков.

А. Абалян фотоси.

УРТҮҚМОҚ

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

60 сўм маош билан...

Дунёда хўп ишнинг кўзини биладиган кишилар борда. Оғзининг ели билан, ёки сир мўйлов қилиш билан истаган нарсасини муҳайё қилади-қўяди.

Абдулла Алимуҳамедов ҳам ана шундай шайтоннинг тухумигача топаоладиган эпчиллар хилидан. Бу киши бир зумда минг қиёфага кира олади. Агар истаса сизни гипноз қилади-ю, омбордан қуруқ чиқиб кетаверасиз. Омбор дедикми, гапни омбордан бошлаб қўяқолайлик. У кишини «Абдуллабойвачча» даражасига кўтарган ҳам ана шу омбор...

Шаҳардаги барча савдо тармоқлари ва корхона, муассасалар учун ажратилган гўшт ана шу омбордан тарқатилади. Фактура ишбилармон омборчимизнинг имзоларисиз ўтмайди. Қуруқ сўз қулоққа ёқмас нақлига юз фойиз амал қилувчи Алимуҳамедовнинг шамасига тушунмаган экспедиторнинг аҳволига вой. Бир грамм ҳам гўшт ололмайди. Омборчимиз йўқ деб оёғини тираб туриб олади. Шундан сўнг экспедиторлар ноилож гўштнинг бир қисмини қолдириб кетишга мажбур бўладилар.

Ана шу «тежалган» гўштлар тунда Тошкентдаги Фрунзе район Кармелюк кўчасидаги 43-уйга келтирилади. Эртасига қарабсизки, кабобпаз дейсизми, сомсапаз дейсизми, хуллас, «бойвачча»нинг «шахсий» харидорлари қопда, эшак аравада эртадан кечгача бу ердан гўшт ташиб кетишарди. Агар ишонмасангиз, Р7-40-29 номерли «Газик»нинг шофери А. Сапожниковдан сўранг.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек Абдулла Алимуҳамедовнинг ҳам хуфяки «гўшт омбори»ни яшириб бўлмади. Унинг сири фош бўлди. Бу нарса эл-юртга маълум бўлиб қолди. Ана энди қанот-қуйруқлар ишга тушди. «Узмясорпбторг» базасининг директори А. В. Смоляков, партия ташкилотининг секретари Р. Я. Надолинская Ўртоқлар Фрунзе район милиция бўлимига ўз омборчилари ҳақида қулинг ўргилсин характеристика ёзиб беришди. Унда «Алимуҳамедов қўй оғзидан чўп олмаган юввош, беозор, ўз вазифасига сидқидилдан қаровчи, соф виждонли...» қўйинг-чи, энг олижаноб фазилатларга эга бўлган нодир шахс сифатида кўкларга кўтариб мақталди. Вақоланки, ана шу «зоти-шариф» илгари ҳам «соф виждонли» бўлганлари учун қамалиб чиққанлар.

Ана энди омборчимизнинг уй ичи, мулкий аҳволи билан танишинг. Оилада олти жон, ҳар ойлик маош 60 сўм. Юриш-туриши, уйини кўрсангиз миллионер дейсиз. Юқорида айтилган адресдаги ҳовлига кириб қолсангиз ҳайратдан оғзингиз ланг очилиб қолади. Олти хонадан иборат қасрнамо иморат. Хоналар қўшақўша қиммат баҳо мебеллар билан жиҳозланган. Қипқизил туркман гиламлари кўзни қамаштиради. Гўшт кўп учун бўлса керак холодильникдан ҳам иккита. Бири «ЗИЛ», иккинчиси «Днепр». Энг нодир шифонер ва буфетлар ҳақида батафсил тўхталб ўтирмаймиз. Дарвоқе ҳашаматли гаражни унутай дебмиз. Гаражда Алимуҳамедовнинг ТНБ-11—45 номерли шахсий «Волга»си. Кўнгли тусаганда сайр қилиш учун сотиб олган эмиш.

Гапнинг қисқаси 60 сўм маош билан шоҳона турмуш қуриб келган бу текинхўрда на инсоф бор, на диёнат. Қилиб келган иши доимий ўғирлик, халқ ва давлат мулкига хиёнат. Дабдабали иморатлар ҳам, «Волга» ҳам, сон-саноқсиз уй жиҳозлари ҳам, рангбаранг мебеллар ҳам ўғирлик туфайли орттирилган.

Ҳалол меҳнат аҳлларининг талаблари билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан шу йил 3 сентябрда чиқарилган «Гражданлар томонидан меҳнатсиз даромад ҳисобига қурилган ёки сотиб олинган уйлар, дачалар ва бошқа иморатларни ҳақ тўламасдан олиш тўғрисида»ги Фармонга асосан ана шундай айрим текин бойлик ҳисобига ҳашаматли иморатлар қуриб олган ашаддий шахсиятпарастларга кескин зарба бериш пайти келди.

Ўғирлик билан бойиб кетган Абдулла Алимуҳамедовнинг энди хиргойиси тугади. У суд олдида ўз қилмишларига яраша жазоланади.

Р. МУРОДОВ,
З. ШОКИРОВ.

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла меҳнаткашлари жамоатчилик асосида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Улар ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юзасидан кўпгина тадбирларни ҳамжиҳат бўлиб, ҳашар йўли билан бажариб келмоқдалар.

Маҳалла аҳолисининг яқинда бўлган умумий йиғилишида яна бир хайрли иш ҳақида гаплашиб олинди. Йиғилишда маҳалла комитетининг раиси Р. Раҳмонов, Тошкент шаҳар Советининг депутати С. Хусаинов, кекса ишчи И. Икромов, хизматчи Ғ. Латипов, 112-боғча мудираси О. Умархўжаева ўртоқлар сўзлаб, ободончиликка эътибор бериш ҳақида ўз таклифларини киритдилар.

Аҳоли ўз кучи билан янги клуб қуришга қарор қилди. Шу асосда клуб пойдевори қурилиб, ишлар кизитиб юборилди. Аҳоли бу маданият ўчоғининг очилиш маросимини Октябрь байрами куни—7 ноябрда нишонлаш ниятида.

Суратда: маҳалла аҳли клуб қурилишида. (Чапдан) ишчи Ҳоди Зиёев, врач Содир Зайнуддинов ва шахсий пенсионер Абдулла Абдураҳмоновлар.

В. Кожевников фотоси,

(ЎзТАГ фотохроникаси).

СУД ЗАЛИДАН

Томорқани беш қилиб...

Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхози 4-бўлимининг ишчилари Х. Исломов ва М. Раҳимов текин даромад орттириш мақсадида бошқа шаҳарларга турли мева олиб бориб қиммат нархда сотиб юришарди.

Мана, бу сафар ҳам иккита юк машинасига олма, пиёз, чеснок ва помидор босиб Қозоғистон томон йўл олишди. Лекин машиналар Тошкент чегарасидан чиқмай туриб кўлга тушди. Маълум бўлишича улар совхоз ишчиларидан 3 тоннага якин олмани арзон нархда сотиб олишган.

Оржоникидзе район халқ суди томорқани беш қилиб бирни иккига пуллаб юрган бу икки савдогарнинг ишини кўриб, уларнинг ғирт чайковчи эканликларини тўла исботлади. Суд Х. Исломовни 5 йил ва М. Раҳимовни 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва уларнинг ўзларига тегишли мол-мулкларини давлат фойдасига мусодара қилишга ҳукм чиқарди.

Я. МОРДУХАЕВ.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Тошкент мехмонхонаси — мактаб-интернат маршрутида қатновчи 38-автобус пассажирлари диққатига!

Қуйидаги шартларга риоя қилишингиз ҳам қарз, ҳам фарз.

1. Эрта билан хизматга борувчилар соат 6 дан кечикмасдан, иккинчи сменага борадиганлар эса нонуштадан кейинок автобус остановкасида ҳозир бўлишлари сўралади.

2. Автобусни 1—1,5 соат кутиш учун энг камида хамир қорадиган тоғарадек сабр-косангиз борлиги ҳақида медкомиссиядан справкангиз бўлиши керак.

3. Илтимос, уйдан чиқишингизда ўзингиз билан одатдаги кийимдан ташқари қўшимча кийим олиб чиқишни унутманг. Акс ҳолда манзилга етиб боргунча тиқилинчда кийимдан ажралиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

4. Автобусга чиқиш учун ҳаракат қилиш шарт эмас. Автобус келиб тўхташи билан ур-йиқит орасида чиқиб қолганлигингизни ўзингиз ҳам пайқамай қоласиз.

5. Кўп ҳолларда кун қорайиши билан шоферларимиз «адашиб» маршрутни бошқа кўчага буриб юборишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Сизга дўстона маслаҳат шуки, шундай кезларда яхшиси автобусни кутмай қўяқолинг.

Хуллас калом яқинингизни узоқлаштиришда ана шундай «шарт-шароит» яратиб берилганлиги учун миннатдорчилик билан қуйидаги адресга мурожаат қилишингиз мумкин.

2-автобаза дирекцияси, телефон 61777.

Ҳамиша хизматингизга тайёр «УРТҮҚМОҚ».

Чеварлар билан учрашув

«Илғор» маҳалласининг гиройли безатилган катта клубига хотин-қизлар тўпланишган. Бу ерга Тошкентдаги «8-март» бадиий каштачилик фабрикасининг илғорлари меҳмон бўлиб келган эди. Чеварлар билан маҳалла хотин-қизлари ўртасидаги учрашувни Охунбобоев номли маданият уйининг директори Ўртоқ А. Шарифбоева очди. У жамоат ишларида актив қатнашаётган аёлларимизнинг меҳнат фаолияти ҳақида гапиради.

Фабрика коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Саодат Тоҳирова ўзи бошчилик қилаётган коллективнинг ишдаги муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Кечада илғор ишчи О. Юсупова, Д. Толипова, Г. Файзиева, Р. Шукруллаева ва бошқалар ҳам сўзлашди. Уларнинг ҳаммаси фабрикадаги меҳнат гашти, шу меҳнат орқасида топаётган бахти ҳақида опа-сингилларига ҳикоя қилиб беришди. Шундан сўнг маданият уйининг ҳаваскорлари ижросида катта концерт берилди.

Клубга йиғилган 250 дан ортиқ уй ишлари билан шуғулланувчи аёллар, ижтимоий меҳнатга тортилмай қолган хотин-қизлар бу учрашув кечасидан катта таассурот билан қайтдилар.

Шаҳар маданият уйи ва маҳалла хотин-қизлар совети томонидан уюштирилган бу тадбир диққатга сазовордир.

Н. ОМОНОВА.

ДОНОЛИК КЎРСАТИШГА ДАЪВАТ

(ТАСС БАЁНОТИ ҲАҚИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ЭТИЛГАН ФИКРЛАР)

АНГЛИЯ

Англия матбуоти АҚШнинг Кубага қарши, тинчлик ишини қўпоришга қаратилган иғвогарлик ҳаракатлари тўғрисидаги ТАСС баёнотини ёритишга кенг ўрин бермоқда. «Совет Иттифоқи АҚШни донолик кўрсатишга даъват этмоқда», — дейилади «Таймс» газетасининг сарлавҳасида. «Дейли скетч» газетаси баёнотнинг мазмунини «Хрушчев Кеннедини огоҳлантирмоқда» деган сарлавҳа билан эълон қилди.

«Гардиан» газетаси АҚШ қилаётган ҳаракатларининг агрессив характери совет баёнотида яққол фош қилиб ташланди, деб таъкидлайди. Газета Америкининг Кубага нисбатан тутаётган сиёсатини «бесўнақай» сиёсат, деб атайди. «Дейли мейн» газетаси Америка ҳукуматининг гўё Куба Қўшма Штатлар учун уруш хавфини туғдирмоқда, деган даъволари бемаъни гаплардир, деб уқтиради. Газета американликларни «ақлдан озмаслик»га ҳамда куч ишлатишдан воз кечишга чақиради.

БОЛГАРИЯ

Болгария газеталари ТАСС баёнотини «АҚШнинг Кубага қарши агрессив ҳаракатлари умумий тинчликка хавф солмоқда», «АҚШнинг иғвогарликлари халқаро муҳитни кескинлаштиришга олиб бормоқда», «АҚШнинг қаҳрамон Кубага қарши агрессив планлари муқаррар суратда барбод бўлажак» деган ёрқин сарлавҳалар билан эълон қилмоқда. «Работническо дело» газетаси «Иғвогарликлар ва агрессия ўрнига оқилона сиёсат юргизиш керак» сарлавҳали бош мақоласида ёзадики, ТАССнинг баёноти иғвогарликларнинг ташкилотчиларига, агрессия ва авантюра ишқибозларига қаттиқ огоҳлантиришдир. Ана шу баёнотда, деб таъкидлайди газета, Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсати, Совет ҳукуматининг умумий тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлидаги шижоаткорона кураши яна бир марта ўз ифодасини топди.

Болгар халқи, деб ёзади газета, Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатини батамом қувватлайди ҳамда ТАСС баёнотида агрессорлар шаънига огоҳлантириб айтилган сўзларга бутунлай қўшилади.

Куба ёлғиз эмас, деб таъкидлайди «Отечествен фронт» газетаси. Социалистик мамлакатлар улуғ оиласининг халқлари унга ҳамдамдир. Барча эрксевар халқлар унга ҳамдамдир. Бутун инсоният: «Кубадан қўлингни торт!» деб қатъиян талаб қилмоқда.

МОНГОЛИЯ

Монголия ишчилари, аратлари ва интеллигенцияси — Америкининг янги иғвогарликлари хусусида Улан-Батор радиоси орқали бир неча марта эшиттирилган ТАСС баёнотини тинглаган кишиларнинг ҳаммаси бу баёнотни қизғин маъқуллаб, уни Совет ҳукуматининг умумий тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ўз вақтида кўрган чораси, деб баҳоламоқдалар.

Монгол журналисти Г. Аюр ТАСС баёнотини ўқиб чиққач бундай деди: сўнгги йилларда жаҳон майдонидаги кучлар нисбатининг ўзгариши сира ҳам империализм фойдасига бўлгани йўқ. Социалистик мамлакатларнинг асабини бўш деб, шунга умид боғлаш эса, силлироқ қилиб, айтганда тентакликдан бошқа нарса эмас. Афтидан, империалистик иғвогарларга вақти-вақти билан ТАССнинг ана шу баёнотига ўхшаш ларнинг кўзини мошдек очиб қўядиган туртки зарур бўлиб қолаётганга, авантюрачилик сиёсати шу авантюрачиларнинг ўз ҳаёти учун ўлим хавфи солажагини эслатиб қўйиш лозим бўлаётганга ўхшайди. Мен Совет Иттифоқининг қатъий позициясини чин кўнгилдан тасдиқлайман.

МОНГОЛИЯ

Монголия газеталари ТАСС баёнотининг мазмунини баён қилиб, бундай деб таъкидламоқда: Совет ҳукумати Кубага қилинадиган ҳужум жаҳон урушининг бошланиши бўлур эди, деб АҚШни огоҳлантирди. «Борба» ва «Политика» газеталари уқтириб ўтадики, СССР ҳукумати тинчликни таъминлаш учун бундан буён ҳам қатъият билан курашажагини айтди, ташвиш туғдириб турган халқаро проблемаларни, хусусан сўнгги жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш, қаттиқ халқаро контроль остида батамом ва ёппасига қуролсизланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни АҚШ билан биргаликда муҳокама қилишга тайёр турганлигини билдирди.

ДАНИЯ

Дания газеталари ТАСС баёнотининг мазмунини биринчи саҳифаларда босиб чиқарди. «Актуэльт» газетаси ўз сарлавҳасида «Кубага қилинадиган ҳужум атом урушини бошлаб юборади. Совет Иттифоқининг Америка Қўшма Штатларига жиддий огоҳлантириши» деб таъкидласа; «Лонд ог фольк» газетаси ТАСС баёноти ҳақидаги хабарни «Совет Иттифоқи АҚШни огоҳлантирмоқда. Агар АҚШ уруш бошлаб юборса, СССР Кубага ёрдам беради. Ақлдан озмаслик ҳақида АҚШга даъват» деган сарлавҳалар билан эълон қилди.

АҚШ

Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукумати ҳозир қилаётган иғвогарликлар бутун дунёни термоядро қуролини қўлланган ҳолда умумий жаҳон уруши ҳалокати гирдобига тортиб кўйиши мумкин, деган огоҳлантириши Америка матбуотининг диққат марказида турибди. Газеталар Америка информация агентликларининг ТАСС баёноти ҳақида Москвадан олган хабарларига бағишлаб, обзорчиларнинг шарҳларини бош мақолаларни босиб чиқармоқдалар.

Газеталарнинг шарҳларидан шу нарса кўриниб турибдики, Совет ҳукуматининг огоҳлантириши АҚШнинг баъзи бир ҳушёрроқ давлат арбобларини дўқ ва пўписа қилиш сиёсатининг асоссизлигини амалда эътироф этишга мажбур қилди. «Нью-Йорк таймс» газетаси «Советлар Қўшма Штатларнинг Кубага ҳужум қилиши урушнинг бошланиши бўлади, демоқда» сарлавҳали мақоласида АҚШ сенатидаги демократик фракциянинг раиси Губерт Хэмфри Кубага бостириб кириш ҳақидаги даъватларни танқид қилди, деб хабар беради. Сенатор бўлажак сайловларгача ўзи учун сиёсий обрў орттириб олиш ниятида конгресс залларида ваъзхонлик қилаётган «масъулиятсиз мақтанчоқ кишилар»га кескин зарба беришга даъват қилган.

Кубага қарши агрессия бошлашни ҳаддан ташқари қизиқонлик билан ёқлаб чиқаётган кишиларга Совет баёноти уларнинг бошидан совуқ сув қуйган каби таъсир қилди. «Кубага ҳар қандай йўл билан бостириб кириш ва ҳар қандай йўл билан денгиз блокадасини амалга ошириш — деб эътироф этади бугун «Нью-Йорк таймс» газетаси ўз бош мақоласида, — ҳар қачонгидан ҳам қалтироқ бўлиб қолди».

Бироқ, совет баёнотига ёндошишда бошқача йўл тутилаётганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Бу ишда давлат секретари Дин Раск ташаббус кўрсатди. У, Совет ҳукуматининг огоҳлантиришини шарҳлаб бериш ҳақидаги илтимосга АҚШ «ўзи зарур топган даражада иш тута беради», деб жавоб қайтарди. «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси ўзининг редакцион мақоласида Д. Раскка жўр бўлиб: «Биз ўзимизни ҳеч нарса эшитмаганга солиб тура берамиз ҳамда зарур бўлган ишларни қила берамиз...», деб айтишдан бўлак маънилироқ сўз топа олмади.

Аммо, ана шу оғзиполвонлик замирида саросималик яшириниб ётади. Газеталар совет баёноти Вашингтондаги расмий кишиларни ғафлат уйқусида босиб қолди, деб эътироф этишга мажбур бўлмоқда. Америка информация агентликларининг хабарларига қараганда ТАСС баёнотининг тексти Оқ уй ва давлат департаментида синчиклаб ўрганилмоқда. Куба революциясини бўғиб ташлашнинг ашаддий тарафдорлари эрксевар Куба халқига қарши ўзларининг телбалик билан қилаётган агрессив ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб бориши устида ўйлаб кўришларига тўғри келади.

СУДАН ИТТИФОҚИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

БАМАКО, 13 сентябрь. ТАСС мухбири Р. Серебрянников хабар беради: Мали республикасининг пойтахти Бамакода Судан Иттифоқи партиясининг VI съезди кеча кечаси ўз ишини тамомлади. Съезд делегатлари республикани янада иқтисодий ва сиёсий ривожлантириш ҳамда партиянинг структурасини ва ташкилотларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни уч кун муҳокама қилдилар.

Съезд партиянинг раҳбар органларини сайлади. Мали президенти Модибо Кейта мажлисдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида Судан иттифоқи партиясининг бош секретари қилиб якдиллик билан сайланди.

Судан иттифоқи партиясининг VI съезди партиянинг янги уставини маъқуллади.

VI съезд сиёсий масалалар бўйича қабул қилган ўзининг резолюциясида Судан иттифоқи партияси мустамлакачиликка, империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган революцион партия эканлигини қайд қилиб ўтди.

Партия миллий сиёсий бюросининг таклифига биноан, съездда КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Мусахонов бошчилигидаги КПСС делегацияси қатнашди ва съезд делегатларига КПСС Марказий Комитетининг табригини топширди.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАРНИНГ ЖАҲОН КОНГРЕССИ

ЛОНДОН, 13 сентябрь. (ТАСС). Бугун Ковентрида биродарлашган шаҳарларнинг IV жаҳон конгресси иш бошлади. Конгрессда жаҳоннинг 28 га яқин мамлакатидан вакиллар қатнашмоқда. Конгрессда Совет Иттифоқидан — Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Я. Исаев, Волгоград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси И. М. Королев, Харьков шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Т. Е. Власенко ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Р. Нишонов иштирок қилмоқдалар.

Конгресс иши 3 кун давом қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

18 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00—Концерт (Островский номли Пионерлар саройи бадиий ҳаваскорлари ижросида), 18.35 —Телевизион янгиликлар.

Рус тилида: 18.50 — Телевизион янгиликлар, 19.05 — Концерт (телетамошабинлар талабига мувофиқ). 20.10 — Кун янгиликлари киножурнали ва Ёз кунларидан бирида номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.35 — Лирика кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.50 — Казаклар номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IX да **Лайли ва Мажнун**, 16/IX да эрталаб **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Мазепа**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Етти энага — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6 гача).

Ўғирланган бомба — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Биз жуда ёш эдик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 8 ва 10 да).

Чавандоз қиз — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-50, 8-40 ва 10-20 минутда).

Товба — НАВОИЙ номли (кундуз).

Севгидан кучли нарса йўқ — «СПУТНИК» (кеч соат 5 ва 7 да).

Салоники ватанпарварлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-20 минут ва 10 да)

Товба — «ВАТАН», НАВОИЙ номли.

Биз жуда ёш эдик — «УДАРНИК», «ШАРҚ».

Етти энага — «ФЕСТИВАЛЬ».

Етти азамат — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 10 да), КАФАНОВ номли.

Ўғирланган бомба — «ПОБЕДА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
15, 16 сентябрда
КАТТА КОНЦЕРТЛАР

Ўзбек давлат халқ рақс ансамбли «Баҳор», СССР халқ артистлари **Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Берта Давидова, Қундуз Миркаримова**, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист **Кенжа Матназаров**, солистлардан **Тўхта Йўлдошева, Қувондиқ Искандаров**, Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

17, 18 сентябрда
АФҒОНИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ
Билетлар сотилмоқда.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА
янги бадиий фильмлар чиқаради
Сир калити
НОМЛИ КИНОПОВЕСТЬ
Хитой Халқ Республикасидаги Чанчунь киностудиясининг Тўртинчи ижодий бирлашмаси ишлаган

МАРТИН БУЛУТДА
НОМЛИ КИНОКОМЕДИЯ
Сценарий автори — **Федор Видас** (Бранко Бауэр, Крешко Голика, Владимир Кох иштирокида).
Ролларда:
Режиссёр — **Бранко Бауэр.**
Оператор — **Бранка Блажина.**
Борис Дворник, Любица Иович, Йожа Шеб ва бошқалар қатнашади
Югославиянинг «Ядран-фильм» киностудияси ишлаган

Ўзбекистон Совнархози Бинокорлик материаллари саноати бошқармасининг
КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА
лойиҳа тузувчи инженерлар: бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг лойиҳасини тузиш иши билан таниш бўлган
энергетиклар, қурувчилар, силикатчи-технологлар, русча машинистка, товаровед, ва бухгалтер
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 2-проезд, 2-уй, телефон 5-17-69.

Тошкент шаҳар, Қурилиш кўчаси, Хумдонсой тупик, 28-уйда турувчи **Дилбар Ҳасановнинг** Акром Ҳасановдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Оржоникидзе район, Қўйлиқ қишлоғи, Гулистон кўчаси, 50-уйда турувчи **Йўлдош Рўзиевнинг** Тошкент шаҳар, Медний кўчаси, 2-проезд, 85-уйда турувчи Умриниса Рўзиева (Тожибоева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Қатортол қ/совети, Москва колхозида турувчи **Акром Иноғомовнинг** Тошкент шаҳар Шпильковский проезд, 70-уйда турувчи Лазиза Иноғомова (Жўраева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 15 СЕНТЯБРЬ, 1962 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари—25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият саноат ва транспорт бўлимлари —33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонда Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси
Р. 01152. Нашр. Г. 1680.